

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.12.2019.Т.03.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НИЁЗОВ НЎМОН НИЗОМИДДИНОВИЧ

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИСТЕЪМОЛИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ
ПРОГНОЗЛАШНИНГ МОДЕЛ ВА АЛГОРИТМЛАРИ
(«Uz Truck & Bus Motors» ҚК мисолида)**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ниёзов Нўмон Низомиддинович

Электр энергияси истеъмоли параметрларини прогнозлашнинг модел ва алгоритмлари («Uz Truck & Bus Motors» ҚК мисолида) 3

Ниёзов Нўмон Низомиддинович

Модели и алгоритмы прогнозирования параметров потребления электроэнергии» (на примере «Uz Truck & Bus Motors») 21

Niyozov Numon Nizomiddinovich

Models and algorithms for forecasting electricity consumption parameters (in the example of «Uz Truck & Bus Motors») 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.12.2019.Т.03.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

НИЁЗОВ НЎМОН НИЗОМИДДИНОВИЧ

**ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ИСТЕЪМОЛИ ПАРАМЕТРЛАРИНИ
ПРОГНОЗЛАШНИНГ МОДЕЛ ВА АЛГОРИТМЛАРИ
(«Uz Truck & Bus Motors» ҚК мисолида)**

05.05.01 – Энергетика тизимлари ва мажмуалари

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/T1829 рақами билан рўйхатга олинган.

Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахмонов Икромжон Усмонович

техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Расмий оппонентлар:

Худаяров Музаффар Бурханович

техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Реймов Камал Мамбеткаримович

техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Етакчи ташкилот:


Навоий давлат кончилиқ институти


Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.T.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «2» 04 соат 11⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@edu.uz).


Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (248 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси., 2. Тел.: (99871) 207-14-70).

Диссертация автореферати 2022 йил «18» 03 куни тарқатилди.
(2022 йил «16» 03 даги 2 рақамли реестр баённомаси).




К.Р.Аллаев
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
техника фанлари доктори, профессор,
академик


О.Х.Ишназаров
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари
доктори, профессор


Т.Ш.Гайилов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
техника фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда саноат корхоналарида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва унга сарф бўлаётган электр энергияси ўртасидаги муносабатни барқарорлаштириш, электр энергиясининг истеъмол параметрларини юқори аниқликда прогнозлаш асосида маҳсулот таннархидаги энергия ҳаражатларини камайтиришга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда «... машинасозлик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тармоқнинг 35 % ини ташкил қилиб, ўз ичига 70 га яқин тармоқ ва 300 турдаги ишлаб чиқариш жараёнларини олади»¹. Бу борада, жумладан машинасозлик корхоналарининг электр энергияси параметрларини прогнозлаш усулларини такомиллаштириш ҳамда модел ва алгоритмлар асосида электр энергияси ишлатилиши самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда саноат корхоналарининг, хусусан энергия сифимдорлиги юқори бўлган машинасозлик корхоналарида электр энергияси истеъмолини прогнозлаш модел ва алгоритмларини ишлаб чиқишда сунъий интеллектга асосланган усулларни қўллаш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш, унинг таннархида энергия ҳаражатларини камайтиришда корхонанинг келгуси давр учун электр энергияси истеъмолини юқори аниқликда прогнозлашга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан электр энергияси параметрларининг ўзгариш қонуниятларини энергетик характеристикаларнинг корреляцион боғланишлари асосида аниқлаш, маҳсулот номенклатураси бўйича электр энергиясининг солиштира сарф кўрсаткичларини прогнозлаш усулларини такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланади. Шу билан бирга, технологик жараён хусусиятидан келиб чиқиб, электр энергияси истеъмолига таъсир этувчи факторларни ҳисобга олиб, сунъий интеллектга асосланган прогнозлаш модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Республикамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини камайтириш мақсадида энергия ресурсларининг ишлатилиши самарадорлигини ошириш, янги технологик ечимларни яратиш ва такомиллаштириш ҳамда жорий этишга доир кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда,

¹https://mmi.fem.sumdu.edu.ua/sites/default/files/mmi2015_3_84_104.pdf

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони <https://lex.uz/docs/3107042>

машинасозлик корхоналари электр энергияси истеъмоли параметрларининг юқори аниқликда ва ҳисоблаш жараёни содда бўлган, корхона ишлаб чиқараётган маҳсулотлар номенклатурасини ҳамда технологик жараённинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб прогноз кўрсаткичларини аниқлаш усул, модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш масалаларини ечишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожланириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3929 “Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422 "Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида", 2020 йил 10 июлдаги ПҚ-4779 "Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш ва мавжуд ресурсларни жалб этиш орқали иқтисодиёт тармоқларининг ёқилғи-энергетика маҳсулотларига қарамлигини камайтиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Машинасозлик корхоналарида электр энергияси параметрларининг ўзгариш қонуниятларини тадқиқ этиш, кўп факторли таҳлил асосида электр энергиясини прогнозлаш усуллари, модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ва пировардида электр энергияси ишлатилиши самарадорлигини ошириш масалаларига қаратилган илмий тадқиқотлар дунёнинг кўплаб етакчи илмий-тадқиқот марказлари ва олий ўқув юртларида, хусусан: California Institute of Technology (АҚШ), University of Michigan (АҚШ), Zhejiang University (Хитой), University of Waterloo (Канада), Tsinghua University (Китай), Dresden University of Technology (Германия), Tokyo technology institute (Япония), University of California Berkeley (США), University of Malaya (Малайзия), Polytechnic University of Milan (Италия), Миллий тадқиқот униерситети (МЭИ) (Россия), Hong Kong Polytechnic University (Хитой), Н.Э.Бауман номидаги Москва давлат техника университети (Россия), Тошкент давлат техника университети (Ўзбекистон), Энергетика муаммолари институти (Ўзбекистон) ва бошқаларда амалга оширилмоқда.

Саноат корхоналарида электр энергияси истеъмолининг прогноз кўрсаткичларини аниқлаш усул ва моделларини яратиш, мавжудларини такомиллаштириш каби масалаларни ҳал қилишда бир қатор таниқли

хорижий олимлар катта ҳисса қўшганлар, жумладан D.V.Benn, K.D.Lyuis, S. Makridakis, R.E.Kalman, C.E.Shannon, И.В.Гофман, В.И.Вейц, А.А.Тайц, Б.И.Кудрин, В.К.Олейников, Г.В.Никифоров, Б.П.Белых, Б.И.Заславца, С.С.Новиков, Е.Ю.Сизганова, Л.С.Родина, И.В.Воронов, К.Л.Соломохо, И.М.Кирпичникова, Л.А.Саплин, В.В. Иванов, А.А.Филимонова ва бошқалар.

Электр энергетика тизимларида ҳамда саноат корхоналарида электр энергияси истеъмолини оператив режалаштириш ва прогнозлашнинг математик модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш каби илмий муаммоларни ҳал қилишда маҳаллий олимларимиздан Х.Ф. Фозилов, Р.А. Захидов, Дж.А. Абдуллаев, Т.Х. Носиров, К.Р.Аллаев, А.Я.Дзевенский, Ф.А.Хошимов, Х.М.Муратов, О.Х.Ишназаров, М.Б.Худаяров, О.З.Тоиров, А.И.Каршибаев, М.Х.Джалилов, И.У.Рахмонов ва бошқалар томонидан ҳам кўплаб тадқиқотлар ўтказилган ҳамда салмоқли натижаларга эришилган.

Сезиларли муваффақиятларга қарамай, машинасозлик корхоналарининг технологик жараёни хусусиятидан келиб чиқиб, электр энергияси истеъмолига таъсир этувчи омилларни ҳисобга олган ҳолда прогнозлаш модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган илмий муаммолар етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур диссертация ишида электр энергияси параметрларининг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш ҳамда технологик, ишлаб чиқариш ва метеорологик омиллар асосида электр энергия истеъмолини прогнозлашнинг модел ва алгоритмлари аргументларни гуруҳий ҳисобга олиш усули ва сунъий нейрон тармоқлар асосида ишлаб чиқилиб, таққосланган ҳамда юқори аниқликка эга усул таклиф этилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, 11-2020 «Uz Truck & Bus Motors» ҚК энергетик текширув (энерго аудит) ўтказиш» (2020-2021), И-ОТ-2021-23 «Саноат корхоналарининг энергия истеъмоли мониторинги учун автоматлаштирилган дастурий маҳсулот яратиш» (2021-2022) ва Ф-ОТ-2021-236 «Узлуксиз режимда ишловчи саноат корхоналарида электр энергия истеъмолини комплекс бошқаришнинг қонуниятларини тадқиқ этиш» (2021-2026) лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Машинасозлик корхоналарининг электр энергияси истеъмоли параметрларини прогнозлашнинг модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

саноат корхоналарида электр энергияси истеъмолини прогнозлашнинг жорий ҳолатини ҳамда машинасозлик корхоналарининг технологик жараёни ва электр энергияси истеъмолини таҳлил этиш;

электр энергияси параметрларининг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш;

электр энергиясининг прогнозлаш модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда электр энергияси истеъмолини прогнозлашнинг энг мақбул

усулларини танлаш;

маҳсулот номенклатураси кесимида маҳсулот бирлигига тўғри келувчи электр энергиясининг солиштирма сарф кўрсаткичларини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида машинасозлик корхоналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети машинасозлик корхонасининг электр энергияси истеъмоли жараёнларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида корреляцион ва регрессион таҳлил, математик статистика, энг кичик квадратлар, прогнозлаш масалаларини ечишда экспоненциал, логарифмик, аргументларни гуруҳий ҳисобга олиш, сунъий нейрон тармоқлар усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

электр энергияси параметрларининг ўзгариш қонунияти умумий ва солиштирма сарф кўрсаткичининг маҳсулот ҳажми асосида такомиллаштирилган;

электр энергия истеъмолини прогнозлаш модели ва алгоритми технологик, ишлаб чиқариш ва метеорологик омилларни ҳисобга олган ҳолда сунъий нейрон тармоқлар асосида такомиллаштирилган;

электр энергиясининг солиштирма сарф кўрсаткичларининг маҳсулот номенклатураси кесимида аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

электр энергия истеъмолини прогнозлашнинг хатолигини камайтириш усули дастлабки маълумотлар сони ва таркибини ростлаш асосида ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

машинасозлик корхоналарида электр энергияси истеъмоли параметрларини, хусусан электр энергияси истеъмоли ва унинг солиштирма сарф кўрсаткичини прогнозлаш усули тадқиқот объектида ўтказилган экспериментал тадқиқотлар натижалари асосида ишлаб чиқилган;

электр энергиясининг умумий ва маҳсулот бирлигига тўғри келувчи сарф кўрсаткичининг прогноз қийматларини аниқлашнинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

электр энергияси истеъмоли параметрларининг прогнозлаш кўрсаткичи хатолигини камайтиришда дастлабки маълумотлар сони ва таркибини ростлаш имконини берувчи дастурий таъминот ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олинган натижалар ва уларнинг ўзаро мувофиқлиги, ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали асосланганлиги, шунингдек, назарий ва ҳисобий-экспериментал натижаларнинг мос келиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти электр энергияси параметрларининг маҳсулот ҳажмига боғлиқ равишда ўзгариш қонуниятларининг тадқиқ этилганлиги, электр энергия истеъмолини прогнозлаш модел ва алгоритмларининг ва маҳсулот бирлигига тўғри келадиган солиштирма сарф кўрсаткичларини аниқлаш усулининг ишлаб чиқилганлиги ҳамда

уларнинг асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф этилган электр энергияси истеъмоли параметрларини прогнозлаш усули ва алгоритмларининг «Uz Truck & Bus Motors» МЧЖ қўшма корхонасига жорий қилинганлигида ҳамда кейинги давр учун прогноз кўрсаткичларини юқори аниқликда ҳисоблаш натижасида жарима тўловларини амалга оширмаслиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Электр энергияси истеъмоли параметрларини прогнозлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

махсулот бирлигига тўғри келадиган электр энергиясининг солиштирма сарфининг прогноз кўрсаткичини аниқлаш усули «Uz Truck & Bus Motors» МЧЖ қўшма корхонасига жорий қилинган (“UzAuto” АЖнинг 2021 йил 29-июндаги 07/05-25-1137-сонли маълумотномаси). Натижада электр энергиясининг солиштирма сарф кўрсаткичларининг ҳисоблаш усулини соддалаштириш ва аниқлигини ошириш имкони яратилган;

электр энергияси истеъмолини прогнозлаш кўрсаткичи хатолигини камайтириш усули «Uz Truck & Bus Motors» МЧЖ қўшма корхонасига жорий қилинган (“UzAuto” АЖнинг 2021 йил 29-июндаги 07/05-25-1137-сонли маълумотномаси). Натижада электр энергия истеъмолини прогнозлаш хатолигини 3% гача камайтириши имкони яратилган;

электр энергияси истеъмолини прогнозлаш модели ва алгоритми «Uz Truck & Bus Motors» МЧЖ қўшма корхонасига жорий қилинган (“UzAuto” АЖнинг 2021 йил 29-июндаги 07/05-25-1137-сонли маълумотномаси). Натижада электр энергия истеъмолини юқори аниқликда прогнозлаш ҳисобига корхонанинг жарима тўловларини амалга оширмаслиги ҳисобидан йилига 103 334 000 (бир юз уч миллион уч юз ўттиз тўрт минг) сўм иқтисодий самарадорликка эришиш имкони яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий-амалий анжуман ва семинарларда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида апробациядан ўтди.


Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақолалар, жумладан 6 та республика ва 2 та чет эл илмий журналларида ҳамда 2 та Scopus базасига кирувчи тўпламларда нашр этилган, 4 та ЭҲМ учун дастурга гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетдан иборат.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти ва ишончилиги ёритилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилганлиги, ишнинг апробация натижалари, эълон қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Машинасозлик корхоналарининг электр энергия истеъмоли ва уни прогнозлашнинг жорий ҳолати**» деб номланган биринчи бобда саноат корхоналарида электр энергия истеъмолини прогнозлашнинг амалдаги усуллари таҳлил қилинган. Машинасозлик корхонасининг технологик жараёни ва электр энергия истеъмоли тавсифи, «Uz Truck & Bus Motors» қўшма корхонасининг электр энергияси истеъмоли параметрларининг ўзгариш қонуниятлари тадқиқи келтирилган.




1- расм. Тадқиқот объектнинг $W=f(S)$ энергетик характеристикаси (2018 й)




2- расм Тадқиқот объектнинг $d=f(S)$ энергетик характеристикаси (2018 й)




3- расм. Тадқиқот объектнинг $W=f(S)$ энергетик характеристикаси (2019 й)



4- расм. Тадқиқот объектнинг $d=f(S)$ энергетик характеристикаси (2019 й)



5- расм. Тадқиқот объектнинг $W=f(S)$ энергетик характеристикаси (2020 й)



6- расм. Тадқиқот объектнинг $d=f(S)$ энергетик характеристикаси (2020 й)

Энергетик параметрларнинг ўзгариш қонуниятларини аниқлаш 2018-2020 йиллар кесимидаги $W=f(S)$, $d=f(S)$ энергетик характеристикалар таҳлили асосида тадқиқ этилган. Бу ерда W – электр энергияси истеъмоли;

Π - ишлаб чиқарилган маҳсулот сони; d – электр энергияси истеъмолининг солиштирма сарфи. Корхона томонидан тақдим этилган дастлабки маълумотлар асосида энергетик характеристикалар қурилган (1÷6 расмлар).

1÷6 расмларда келтирилган $W=(\Pi)$ ва $d=(\Pi)$ энергетик характеристикалар таҳлили шуни кўрсатадики, 2018-2020 йилларда сарф бўлган электр энергияси ҳамда унинг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган солиштирма сарф кўрсаткичи қийматлари мос равишда ишлаб чиқарилаётган

1-жадвал.

Йил	$W=(\Pi)$	r
2018	$W= 373,31 \cdot \Pi + 13275$	$r = 0,9132$
2019	$W= 339,53 \cdot \Pi + 58248$	$r = 0,9220$
2020	$W= 371,92 \cdot \Pi - 2936,4$	$r = 0,8871$
Йил	$d=(\Pi)$	r
2018	$d= -0,0268 \cdot \Pi + 433,52$	$r = 0,9107$
2019	$d= -0,0366 \cdot \Pi + 451,86$	$r = 0,8994$
2020	$d= -0,0459 \cdot \Pi + 481,84$	$r = 0,9141$

маҳсулот ўртасидаги кўрсаткичлари мутаносиб. Бу эса мазкур параметрлар ўртасида боғланишнинг мавжудлигини кўрсатиб, бу боғланиш 1-жадвалда келтирилган математик моделлар ва уларнинг корреляция коэффициентлари натижалари ёрдамида асосланади.

Юқорида келтирилган электр энергияси истеъмоли ва электр энергиянинг солиштирма сарф кўрсаткичини прогнозлашда, корхона томонидан тақдим этилган бирламчи маълумотлар асосида электр энергиясига таъсир этувчи факторларни ҳисобга олиб, электр энергиясини прогнозлаш моделларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқлигини характерлайди.

Диссертациянинг «Прогнозлаш моделларини ишлаб чиқиш талаблари ва электр энергия истеъмолига таъсир этувчи факторлар» деб номланган иккинчи бобида электр энергия истеъмолини прогнозлашда қўйиладиган талаблар, прогнозлаш моделларини ишлаб чиқишнинг асосий босқичлари ва электр энергияси истеъмолига таъсир этувчи факторлари аниқлашга бағишланган.

Диссертация иши доирасида қўйилган вазифалардан бири электр энергия истеъмолининг прогноз кўрсаткичлари моделларини ишлаб чиқишда электр энергиясига таъсир этувчи факторларни аниқлаш бўлиб, бу ўз навбатида прогнозлаш модели аниқлигини оширишга хизмат қилади. Шундан келиб чиқиб, тадқиқот объектининг электр энергия истеъмолига

2-жадвал.

Фактор-лар	W	T	Π	$Q_{\text{жк}}$	$K_{\text{ши}}$	$K_{\text{дав}}$	$K_{\text{дам}}$	ΔW
W	1							
T	0,721	1						
Π	0,8714	-0,634	1					
$Q_{\text{жк}}$	0,79	0,011	0,78	1				
$K_{\text{ши}}$	0,496	0,48	0,51	0,424	1			
$K_{\text{дав}}$	0,42	0,621	-0,07	-0,376	0,0192	1		
$K_{\text{дам}}$	0,3685	0,43	0,03	-0,05	-0,38	0,051	1	
ΔW	0,81	0,46	0,64	0,683	0,044	0,142	0,784	1

таъсир этувчи факторлар дастлаб эксперт баҳолаш усули асосида аниқланган.

Эксперт баҳолаш усули асосида аниқланган факторларни илмий асослаш мақсадида, ҳар бир факторнинг электр энергиясига таъсир этиш даражасини аниқлаш регрессион-корреляцион таҳлил

қилиш орқали амалга оширилган. Электр энергияси истеъмолига таъсир этувчи факторлар орасида корреляция коэффициенти 0,6 дан юқори бўлган (2-жадвал) (об-ҳаво ҳарорати- T , маҳсулот ҳажми- Π , цехлардаги электр

энергия исрофи- ΔW , қурилмаларнинг юкланиши- $Q_{юк}$) факторлар прогнозлаш моделларига киритилган.

Диссертациянинг «**Машинасозлик корхоналарининг электр энергия истеъмолини прогнозлашнинг математик моделлари**» деб номланган учинчи бобида сунъий интеллектга асосланган аргументларни гуруҳий ҳисобга олиш усули (АГҲОУ) ва сунъий нейрон тармоқлар (СНТ) асосида электр энергия сарфини прогнозлаш модели ва алгоритмини ишлаб чиқиш ҳамда ишлаб чиқилган моделларни таққослашга бағишланган.

Электр энергияси истеъмолини прогнозлашда сунъий интеллектга асосланган усуллардан фойдаланилган бўлиб, дастлаб АГҲОУ нинг *COMBI* ва иккинчи даражали кўп қатламли нейрон тармоқ турларидан фойдаланилган. АГҲОУ ёрдамида электр энергия истеъмолини прогнозлаш кетма-кетликлиги 7-расмда келтирилган алгоритм асосида амалга оширилган.

АГҲОУ алгоритмларни шакллантиришдаги асосий ифодалар:

шаклнинг турли кўпхадлари:
$$y = a_0 + \sum_{i=1}^n a_i x^i; \quad (1)$$

гармоник ёки логистик:
$$y = a_0 + \sum_{i=1}^n (a_i / (1 + \exp(-x_i))); \quad (2)$$

экспоненциал:
$$y = \sum_{i=0}^n a_i e^{\beta_i}; \quad (3)$$

АГҲОУ алгоритмлари аста-секин мураккаб полиномли моделларни саралашни ва ташқи мезон ёрдамида энг яхши ечимни танлашни таъминлайдиган индуктив процедура билан тавсифланади:

$$Y(x_1, \dots, x_n) = a_0 + \sum_{i=1}^m a_i f_i \quad (4)$$

АГҲОУ да асосий функция сифатида Колмогоров-Габор полиномининг бир текисда мураккаблашиши олинади:


$$Y(x_1, \dots, x_n) = a_0 + \sum_{i=1}^n a_i x_i + \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^n a_{ij} x_i x_j + \sum_{i=1}^n \sum_{j=1}^n \sum_{k=1}^n a_{ijk} x_i x_j x_k + \dots \quad (5)$$

Кирувчи маълумотлар сифатида тадқиқот объектининг 2018-2020 йиллардаги уч йиллик кунлик 1097 та ҳисобий-экспериментал маълумотлари олинган. Ушбу маълумотларнинг 67%и (735 та танлама) ўқитиш жараёни учун 33% (362 танлама) тест жараёни учун ажратилган.

Корхонанинг ҳақиқий истеъмол қилган электр энергияси ва АГҲОУ ёрдамида аниқланган прогноз кўрсаткичлари график кўринишида 8÷9 расмларда келтирилган.

Графиклар таҳлили шуни кўрсатадики, электр энергиясининг прогнозлаш модели ёрдамида аниқланган кўрсаткичлар ва ҳақиқий кўрсаткичлар ўртасидаги ўртача хатолик 6% ни ташкил этган.

Электр энергия истеъмолини прогнозлаш моделлари СНТ асосида ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, прогнозлашда дастлабки маълумотлар сонини эътиборга олган ҳолда, 1097 та танланманинг 67% ўқитишга ва 33% тест жараёни учун танланган.




7-расм. АГҲОУ ёрдамида электр энергия истеъмолини прогнозлаш алгоритми


СНТ ни ўқитиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади.

Ўқитиш жараёни тавсифи:

$$N_t = \tanh(W_n[STM_{t-1}, E_t] + b_n) \quad (6)$$




8-расм. Электр энергияси истеъмолнинг ҳақиқий ва прогноз кўрсаткичлари



9-расм Электр энергияси истеъмолнинг ҳақиқий ва прогноз кўрсаткичлари орасидаги хатолик

ошган. Шундан келиб чиқиб, яширин қатламда ўқитиш жараёнини амалга ошириш учун 50 та нейрон танланган.

11-расмда СНТни ўқитиш жараёнида RMSE нинг эпохга боғланиш графиги келтирилган бўлиб, унда цикл оператори ёрдамида моделга 0 ва 80



11-расм. СНТни ўқитиш жараёнида RMSE қийматининг ўзгариш графиги

кейинги давр учун прогноз амалга оширилади. 12-расмда СНТ асосида электр энергия истеъмолини прогнозлаш алгоритми келтирилган бўлиб, прогноз кўрсаткичларини аниқлаш ушбу кетма-кетликда амалга оширилади.

$$i_t = \sigma(W_i[STM_{t-1}, E_t] + b_i) \quad (7)$$

Саралаш жараёни тавсифи:

$$f_t = \sigma(W_f[STM_{t-1}, E_t] + b_f) \quad (8)$$

Эслаб қолиш жараёни тавсифи:


$$LTM_t = LTM_{t-1} \cdot f_t + N_t i_t \quad (9)$$

Чиқиш жараёни тавсифи.

$$U_t = \tanh(W_u LTM_{t-1} \cdot f_t + b_u) \quad (10)$$


$$V_t = \sigma(W_v \cdot STM_{t-1}, E_t] + b_v) \quad (11)$$

Яширин қатламда иштирок этувчи нейронлар сонини аниқлаш мақсадида, 10-расмда RMSE нинг нейронлар сонига боғлиқ равишда ўзгариш графиги келтирилган бўлиб, нейронлар сонининг 55 гача бўлган ораликда RMSE нинг сезиларли кам бўлиб, ундан сўнг хатолик қиймати сезиларли



10-расм. RMSE нинг нейронлар сонига боғлиқ равишда ўзгариш графиги

оралиғида давр берган ҳолда, ушбу давр оралиғидаги маълумотларнинг ҳолати келтирилган. Бунда сунъий нейрон тармокни ўқитиш жараёни 50-эпохга келганда нейрон тармок тўйинади ва 50-эпох критик нукта сифатида қабул қилиниб, дастурда 50 та эпох асосида




12-расм. Сунъий нейрон тармоқлар асосида электр энергия истеъмолини прогношлаш алгоритми

Корхонанинг ҳақиқий истеъмол қилган электр энергияси ва СНТ асосида аниқланган прогноз кўрсаткичлари




13-расм. Электр энергияси истеъмолининг ҳақиқий ва прогноз кўрсаткичлари



14-расм. Электр энергияси истеъмолининг ҳақиқий ва прогноз кўрсаткичлари орасидаги хатолик

асосидаги прогнозлаш моделларини қўллаш мақсадга мувофиқ бўлиб ҳисобланади.


16-расмда электр энергия истеъмолининг ҳақиқий ва прогноз кўрсаткичлари орасидаги хатоликни таққослаш графиги келтирилган бўлиб, графикдан СНТ кўрсаткичлари ҳақиқий электр энергия истеъмолига яқин эканлигини



16-расм. Электр энергияси истеъмолининг ҳақиқий ва прогноз кўрсаткичлари орасидаги хатолик

натижалари 13÷14 расмлардаги графикларда келтирилган. Графиклар таҳлили шуни кўрсатадики, электр энергиясининг прогнозлаш модели ёрдамида аниқланган кўрсаткичлар ва ҳақиқий электр энергия истеъмоли кўрсаткичлари ўртасидаги ўртача хатолик 3% ни ташкил этган.

АГҲОУ ва СНТ асосида олинган моделлар таҳлили шуни кўрсатадики (15÷16 -расмлар), АГҲОУ ёрдамида аниқланган прогноз кўрсаткичларининг ўртача хатолиги 6% ни, сунъий нейрон тармоқлар асосида аниқланган прогноз кўрсаткичлар хатолиги 3% ни ташкил этади. Шундан келиб чиқиб, СНТ



15-расм. Электр энергияси истеъмолининг ҳақиқий ва прогноз кўрсаткичлари

кўриш мумкин. АГҲОУ усулининг ҳақиқий кўрсаткичдан баъзи нуқталарда кескин, баъзи нуқталарда нисбатан оғанини кўриш мумкин. Маълумки, ҳақиқий ва прогноз кўрсаткичлар орасидаги фарқ 5% гача бўлганда, ишлаб чиқилган прогноз моделлари адекват бўлиб ҳисобланади.

Юқорида келтирилган кўрсаткичлар эса,

СНТ асосидаги прогнозлаш моделининг кўрилаётган ҳолат учун етарли

аниқликни таъминлай олганлигини ва аниқлиги юқори бўлган усул эканлигини яна бир бор исботини топди. Мазкур таклиф этилаётган усул учун DGU №05345 рақамли “Автомобил ишлаб чиқарадиган корхоналарда электр энергия истеъмолини прогнозлаш учун Авто_прогноз дастури” учун гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг «**Электр энергиясининг солиштирма сарфининг прогноз кўрсаткичини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш ва прогнозлаш моделларини жорий этиш**» деб номланган тўртинчи бобида маҳсулот бирлигига тўғри келадиган электр энергиянинг солиштирма сарфининг прогноз кўрсаткичини аниқлаш усулини ишлаб чиқиш, прогнозлаш хатолиги юқори бўлган ҳолатда прогнозлаш хатолигини камайтириш усули ва электр энергия истеъмолини прогнозлаш моделини татбиқ этиш орқали олинадиган иқтисодий самарадорлик келтирилган.

Саноат корхоналарида электр энергия истеъмоли параметрларидан бири бу маҳсулот бирлигига тўғри келадиган электр энергиянинг солиштирма сарф кўрсаткичи бўлиб, классик усулда мазкур кўрсаткич куйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$d = \frac{W}{\Pi} \quad (12)$$

(12) ифодадан электр энергиянинг солиштирма сарфини прогнозлашда солиштирма электр энергия сарфи билан ишлаб чиқарилган маҳсулот орасида куйидаги кўринишдаги боғланишлар мавжудлигини кўриш мумкин.

1) экспоненциал боғланиш:

$$W_i = f(\Pi_i) = a_0 \exp(a_1 \Pi_1 + a_2 \Pi_2 + \dots + a_p \Pi_p) \quad (13)$$


2) логарифмик боғланиш:

$$W_i = f(\Pi_i) = a_0 + a_1 \ln(\Pi_1) + a_2 \ln(\Pi_2) + \dots + a_p \ln(\Pi_p), \quad i = \overline{1, N} \quad (14)$$

17-расмда маҳсулот номенклатураси бўйича электр энергияси истеъмолининг маҳсулот бирлигига тўғри келадиган солиштирма сарфининг прогноз кўрсаткичини аниқлаш усули келтирилган бўлиб, мазкур алгоритм бўйича электр энергиянинг умумий ва солиштирма сарфини логарифмик ва экспоненциал функциялар орқали аниқлашнинг усуллари ишлаб чиқилган. 3-жадвал асосида электр энергия параметрларининг прогнозлаш кўрсаткичлари аниқланиб, 18÷25 расмларда бу кўрсаткичлар асосида курилган графиклар келтирилган.

3-жадвал.


Маҳсулот номи	Экспоненциал функция ёрдамида	
	$W=f(\Pi)$	$d=f(\Pi)$
Ўридикли тягач	$W_1 = \exp(10,64405 - 0,0012425 \cdot \Pi_1)$	$d_1 = (\exp(10,64405 - 0,0012425 \cdot \Pi_1)) / \Pi_1$
Шасси	$W_2 = \exp(10,94511 - 0,0001169 \cdot \Pi_2)$	$d_2 = (\exp(10,94511 - 0,0001169 \cdot \Pi_2)) / \Pi_2$
Автобус	$W_3 = \exp(10,29329 - 0,002104 \cdot \Pi_3)$	$d_3 = (\exp(10,29329 - 0,002104 \cdot \Pi_3)) / \Pi_3$
Самосвал	$W_4 = \exp(11,09632 - 0,0001487 \cdot \Pi_4)$	$d_4 = (\exp(11,09632 - 0,0001487 \cdot \Pi_4)) / \Pi_4$




17-расм. Маҳсулот номенклатураси бўйича электр энергиянинг солиштирма сарф кўрсаткичини прогнозлаш моделини

3-жадвалнинг давоми.


Маҳсулот номи	Логорифмик функция ёрдамида	
	$W=f(\Pi)$	$d=f(\Pi)$
Ўридикли тягач	$W_1 = -237809,6815 + 60978,502 \cdot \ln(\Pi_1)$	$d_1 = (-237809,6815 + 60978,502 \cdot \ln(\Pi_1)) / \Pi_1$
Шасси	$W_2 = -2149413,2747 + 375942,4941 \cdot \ln(\Pi_2)$	$d_2 = (-2149413,2747 + 375942,4941 \cdot \ln(\Pi_2)) / \Pi_2$
Автобус	$W_3 = -85318,2761 + 27527,5245 \cdot \ln(\Pi_3)$	$d_3 = (-85318,2761 + 27527,5245 \cdot \ln(\Pi_3)) / \Pi_3$
Самосвал	$W_4 = -1541509,3937 + 283680,4924 \cdot \ln(\Pi_4)$	$d_4 = (-1541509,3937 + 283680,4924 \cdot \ln(\Pi_4)) / \Pi_4$




18-расм. Ўридикли тягач учун $W_{\text{ҳақ}}=f(\Pi)$ ва $W_{\text{прог}}=f(\Pi)$




19-расм. Ўридикли тягач учун $d_{\text{ҳақ}}=f(\Pi)$ ва $d_{\text{прог}}=f(\Pi)$




20-расм. Шасси учун $W_{\text{ҳақ}}=f(\Pi)$ ва $W_{\text{прог}}=f(\Pi)$




21-расм. Шасси учун $d_{\text{ҳақ}}=f(\Pi)$, $d_{\text{прог}}=f(\Pi)$




22-расм. Автобус учун $W_{\text{ҳақ}}=f(\Pi)$ ва $W_{\text{прог}}=f(\Pi)$



23-расм. Автобус учун $d_{\text{ҳақ}}=f(\Pi)$ ва $d_{\text{прог}}=f(\Pi)$



24-расм. Самосвал учун $W_{\text{ҳақ}}=f(\Pi)$ ва $W_{\text{прог}}=f(\Pi)$



25-расм. Самосвал учун $d_{\text{ҳақ}}=f(\Pi)$ ва $d_{\text{прог}}=f(\Pi)$

ХУЛОСА

“Электр энергияси истеъмоли параметрларини прогнозлашнинг модел ва алгоритмлари (“Uz Truck & Bus Motors” ҚҚ мисолида)” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилади:

1. Саноат корхоналарида электр энергиясини прогнозлаш усуллари таҳлил қилиниб, уларнинг мақбуллари танлаш мезонлари ҳамда тадқиқот объектининг электр энергия истеъмоли ва технологик жараёни тадқиқ этилди. Электр энергияси истеъмоли параметрларининг ўзгариш қонуниятлари $W=f(I)$ ва $d=f(I)$ энергетик характеристикаларининг корреляцион боғланишлари асосида аниқланди. Натижада корреляция коэффициентларининг $0,89 \div 0,92$ оралиқдаги қийматларида ишлаб чиқарилган маҳсулот ва электр энергияси параметрлари ўртасидаги боғланишнинг ўзгариш қонуниятини аниқлаш имкони яратилган.

2. Электр энергияси истеъмолини прогнозлаш модели ва алгоритмлари сунъий интеллект усуллари асосида ишлаб чиқилиб, сунъий нейрон тармоқлар асосида ишлаб чиқилган прогнозлаш модели энг кам хатоликка эга усул сифатида тақлиф этилган. Натижада корхонада электр энергияси истеъмолининг прогнозлашдаги хатоликни 3% гача камайтириш имкони яратилган.

3. Машинасозлик корхонасининг технологик линияларида олиб борилган экспериментал тадқиқотлар асосида маҳсулот бирлигига сарф бўладиган электр энергиясининг солиштирма сарфининг прогноз кўрсаткичларини аниқлаш усули ишлаб чиқарилаётган маҳсулот номенклатураси кесимида такомиллаштирилди. Натижада маҳсулот ишлаб чиқаришда электр энергияси сарфининг мақсадли истеъмолини баҳолаш имкони яратилган.

4. Электр энергияси истеъмоли параметрларини прогнозлаш усуллари ёрдамида ишлаб чиқилган прогнозлаш моделларининг хатолигини минималлаш усули ишлаб чиқилди. Натижада, прогнозлаш модели хатолигининг рухсат этилган қиймати таъминланмаган ҳолларда, дастлабки маълумотларнинг сони ва таркибини ростлаш асосида прогнозлаш модели хатолигини камайтириш имкони яратилган.

5. Тадқиқот натижалари “Uz Truck & Bus Motors” ҚҚ корхонасига қабул қилинган бўлиб, илмий-тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилишидан кутилаётган иқтисодий самарадорлик йилига 103 334 000 (бир юз уч миллион уч юз ўттиз тўрт минг сўм)ни ташкил этган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ДОКТОРА НАУК DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

НИЁЗОВ НЎМОН НИЗОМИДДИНОВИЧ

**МОДЕЛИ И АЛГОРИТМЫ ПРОГНОЗИРОВАНИЯ ПАРАМЕТРОВ
ПОТРЕБЛЕНИЯ ЭЛЕКТРОЭНЕРГИИ
(на примере «Uz Truck & Bus Motors»)**

05.05.01 – Энергетические системы и комплексы

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2022.1.PhD/T1829.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdtu.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Рахмонов Икромжон Усмонович
доктор философии по техническим наукам
(PhD), доцент

Официальные оппоненты:

Худаяров Музаффар Бурханович
доктор технических наук, старший научный
сотрудник

Реймов Камал Мамбеткаримович
доктор философии по техническим наукам
(PhD), доцент

Ведущая организация:

**Навоийский государственный горный
институт**

Защита диссертации состоится « 2 » 04 2022 г. в 11⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/10.12.2019.T.03.03 при Ташкентском государственном техническом университете. Адрес: 100095, г Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32, e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (регистрационный номер - 248). Адрес: 100095, Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: (99871) 207-14-70.

Автореферат диссертации разослан « 18 » 03 2022 года.

(протокол рассылки № « 2 » от « 16 » 03 2022 года).



К.Р. Аллаев
председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.т.н., профессор, академик

О. Х. Ишнароров
ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
доктор технических наук, профессор.

Т.Ш. Гайибов
председатель научного семинара при
научном совете по присуждению
ученых степеней, доктор технических наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире особое внимание уделяется уточнению взаимосвязей между выпуском продукции и потреблением электроэнергии промышленных предприятий, а также снижению доли затрат на энергию в себестоимости продукции на основе высокоточного прогнозирования параметров потребления электроэнергии. В настоящее время в развитых странах «... продукция, выпускаемая машиностроительными предприятиями, составляет 35% промышленного сектора, включающего более 70 отраслей и 300 видов производственных процессов»¹. В связи с этим особое внимание уделяется совершенствованию методов прогнозирования параметров потребления электроэнергии машиностроительными предприятиями, а также повышению эффективности потребления электроэнергии на основе соответствующих моделей и алгоритмов.

В мире проводятся научные исследования по разработкам моделей и алгоритмов прогнозирования с использованием методов искусственного интеллекта в целях повышения конкурентоспособности продукции, снижения энергетических затрат и её себестоимости, в том числе за счет высокоточного прогнозирования электропотребления, особенно на энергоёмких машиностроительных предприятиях. В этом направлении необходимо проводить ряд исследований, в том числе по определению закономерностей изменения параметров электроэнергии на основе корреляционных зависимостей энергетических характеристик, совершенствовать методы прогнозирования удельного расхода энергии по номенклатуре продукции, которые считаются приоритетными. При этом одной из актуальных задач является разработка моделей и алгоритмов прогнозирования, основанных на методах искусственного интеллекта для определения основных факторов, влияющих на потребление электроэнергии с учетом особенностей технологического процесса.

В республике проводятся масштабные мероприятия по совершенствованию и внедрению методов и инновационных разработок по созданию новых технических и технологических решений, по повышению эффективности использования энергоресурсов в целях снижения себестоимости выпускаемой продукции. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены задачи, в том числе «...сокращение энергоёмкости и ресурсоёмкости экономики, широкое внедрение в производство энергосберегающих технологий, расширение использования возобновляемых источников энергии...»². При выполнении этих задач особое значение придается необходимости проведения научно-исследовательских работ по разработке методов, моделей и алгоритмов

¹https://mmi.fem.sumdu.edu.ua/sites/default/files/mmi2015_3_84_104.pdf

² Указ Президента Республики Узбекистан № УП-4947 "О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан" от 7 февраля 2017 г. <https://lex.uz/docs/3107042>

определения прогнозных параметров электропотребления машиностроительных предприятий с высокой точностью и простым расчетным процессом, учитывающим номенклатуру выпускаемой предприятием продукции и специфику технологического процесса.

